

Иқтисодий судларда суд харажатларини ундириш масалалари

Жасур Нуриддинов

Jasur_Nuriddin@mail.ru

2020 йилга қадар иқтисодий судларда суд харажатларини тўлаш ва ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Давлат божи ставкалари” тўғрисидаги ВМҚ-533-сонли қарори (ҳозирда ҳужжат қонуний кучга эга эмас) ва Иқтисодий процессуал кодекси билан тартибга солинган.

Унга кўра, мулкий тусдаги даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан енг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида, банкротлик тўғрисида иш қўзгатиш ҳақидаги аризалардан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида, хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан енг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида, апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан биринчи инстансияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий тусдаги низолар бўйича еса талашилаётган суммадан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган ставкалар, суд ҳужжатларининг дубликатларини ҳамда томонлар ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосларига биноан иқтисодий суд томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини бериш тўғрисидаги аризалардан ҳужжатнинг ҳар бир бети учун енг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида, ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек, ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан енг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида давлат божи ундириш ва тўлаш белгиланган.

Шунингдек, мазкур қарорда амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти

доирасида кичик тадбиркорлик субъектлари судларга мурожаат қилишда белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўлаш имтиёзига эга эканликлари белгиланган.

2020 йилгача бўлган даврда иқтисодий судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари Солик Кодекси (аввалги таҳрирдаги) билан тартибга солинган. Жумладан, Солик Кодексининг 328-моддасида давлат божи ундириш объектлари сифатида 1) иқтисодий судларга тақдим қилинадиган даъво аризаларидан; 2) ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан; 3) низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалардан; 4) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг хуқуqlари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга ега бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан; 5) иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш ҳақидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш ҳақидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан; 6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро етиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги аризалардан; 7) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро етиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар бўйича иқтисодий суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан; 8) чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризалардан; 9) чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишлар бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан; 10) шунингдек иқтисодий судлар томонидан хужжатларнинг дубликатлари ва кўчирма нусхаларини берганлик учун кўрсатилган.

2020 йил 7 январдан бошлаб давлат божи билан боғлиқ масалалар битта қонунга йиғилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан бирга Солик Кодекси ҳам янги таҳрирда қабул қилинди ва кодексга давлат божи ундирувларини тартибга солувчи нормалар киритилмади. “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги ВМҚ-533-сонли қарор ўз кучини йўқотди. Шундай тарзда иқтисодий судларда давлат божини ундириш масалалари мазкур қонун ва Иқтисодий процессуал кодекси билан тартибга солинадиган бўлди.

Қонуннинг 3-моддасида давлат божига юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва ёки бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва ёки мансабдор шахслар томонидан хужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўлов сифатида тариф берилади.

Қонуннинг 4-моддасига кўра, ваколатли муассасаларга ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган ва ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаракат ва (ёки) хужжатлар бериш амалга ошириладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

Қонуннинг 5-моддасида иқтисодий судларга бериладиган даъво аризаларидан, тўловга қобилияцизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризалардан, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалардан, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳукуклари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга ега бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш ҳақидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш ҳақидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув

қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, арбитражнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро етиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар бўйича иқтисодий суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, чет давлат судининг, арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризалардан, чет давлат судининг, арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишлар бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек иқтисодий судлар томонидан хужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун давлат божи ундириш белгиланган.

Қонуннинг 7-моддасида давлат божи тўловларини тўлашдан озод қилиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхати мазкур Қонун билан белгиланиши, 2020-йил 1-январга қадар қабул қилинган бошқа қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу хужжатларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кучда қолиши белгиланган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 112-моддасида суд харажатларига тариф бериб ўтилган бўлиб, унга кўра давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимлари суд харажатлари ҳисобланади.

ИПК 113-моддасида эса, қонунда давлат божини тўлаш асослари ва тартиби, уни тўлашни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, тўлашдан озод қилиш тартиби, давлат божини қайтариш тартиби белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Мазкур кодексининг 114-моддасида даъвонинг баҳосини аниқлаш тартиби ўрнатилган. Унга кўра, даъвонинг баҳоси қуидагича аниқланади:

- 1) пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича ундириладиган суммадан келиб чиқсан ҳолда;
- 2) мол-мулкка бўлган мулк хукуқини тан олиш тўғрисидаги даъволар

бўйича мол-мулкнинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда;

3) ижро етиш ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (аксепциз) тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро етиш мумкин емас деб топиш тўғрисидаги даъволар бўйича — низолашилаётган суммадан келиб чиқсан ҳолда;

4) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — шу мол-мулкнинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда;

5) йер участкасини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — йер участкасининг белгиланган баҳоси бўйича қийматидан келиб чиқсан ҳолда, баҳоси мавжуд бўлмаганда еса бозор баҳосига кўра.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка суммалари ҳам киритилади. Бир нечта мустақил талабдан иборат даъвонинг баҳоси барча талабларнинг суммаси билан аниқланади. Даъвонинг баҳоси нотўғри кўрсатилган тақдирда, баҳо суд томонидан аниқланади.

ИПК 116-моддасида суд чиқимларига тариф берилган. Унга кўра, суд чиқимлари суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференсалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатdir.